

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида спортнинг гимнастрада тури бўйича ғолиблар тақдирланишди



Термиз шаҳрида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида спортнинг гимнастрада тури бўйича вилоят босқичи беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳри ва туманлардан 14 ёшдан 30 ёшгacha бўлган 150 нафар ўғил-қизлар ўз чиқишилари билан иштирок этишди.

Қизиқарли кечган мусобақа натижаларига кўра;

биринчи ўринни Термиз туманининг "Оққушлар" жамоаси, иккинчи ўрин Термиз шаҳар "Ёш юлдузлар" ҳамда учинчи ўринни Олинтсой туманининг "Жалолиддин Мангуберди авлодлари" жамоаси қўлга киритдилар.

Ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Биринчи ўринни олган жамоа мусобақанинг кейинги босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишиди.